

ЭГАМБЕРДИЕВ Фармонқул Турсунқулович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

ДАНИЯРОВА Феруза Бахриддиновна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети мустақил изланувчиси, магистр

ХОЛМАТЖОНОВ Фарход Махаматжонович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети мустақил изланувчиси, магистр

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

УДК 330.322.01

ЭГАМБЕРДИЕВ Ф.Т., ДАНИЯРОВА Ф.Б., ХОЛМАТЖОНОВ Ф.ХХ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мақолада инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикрлар билдирилган. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида минтақалар инвестицион жозибаторлигини янада ошириш йўллари ёритилган.

Таянч иборалар: Модернизация, ишлаб чиқариш омиллари, истеъмол омили, инфраструктуралар, инвестицион жозибаторлик, инвестицион салоҳият, эркин иқтисодий зоналар.

ЭГАМБЕРДИЕВ Ф.Т., ДАНИЯРОВА Ф.Б., ХОЛМАТЖОНОВ Ф.ХХ. РОЛЬ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ

В статье обсуждается роль инвестиций в экономике страны. Освещаются пути дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности регионов в условиях модернизации экономики страны.

Ключевые слова: Модернизация, факторы производства, потребление, инвестиции в инфраструктуру, факторы привлекательности, инвестиционный потенциал, свободные экономические зоны.

EGAMBERDIEV F.T., DANJAROVA F.B., XOLMATJONOV F.XX. THE ROLE OF INVESTMENTS IN THE ECONOMY OF THE COUNTRY

There are discussed in the article the role and importance of investment into the country's economy. The ways of regions investment attractiveness improvement in the context of modernization of the country's economy are highlighted.

Key words: Modernization, factors of production, consumption, infrastructure, investment attractiveness, investment potential, free economic zones.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишга инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим соҳалари ва етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек «Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.¹

Ўзбекистон иқтисодиётининг, умуман жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитининг мавжудлиги маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ўз маблағларини иқтисодиётга эркин жалб этишлари учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётни жадал ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб этади. Инвестициялар хар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи омил бўлиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш талаб этилади.

Мамлакат инвестицион салоҳиятни баҳолашда қуйидаги муҳим омиллар ҳисобга олинади:

– ресурс – хом ашё омил (табиий ресурслар асосий кўринишларининг баланс захиралари билан ўртача таъминланганлиги);

– ишлаб чиқариш омиллари (мамлакатда хўжалик фаолиятнинг умумий натижалари);

– истеъмол омил (мамлакат аҳолисининг умумий харид қобилияти);

– инфратузилмавий омил (мамлакатнинг итисодий – географик аҳволи ва унинг инфратузилмавий таъминланганлиги);

– интеллектуал омил (аҳолининг таълим даражаси);

– институтцион омил (бозор иқтисодиёти етакчи институтларнинг ривожланганлик даражаси);

– инновацион омил (фан – техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш даражаси);

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун муайян минтақанинг хусусиятларини акс эттирувчи ва унинг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда салоҳиятли бўлган омилларни белгилаш муҳимдир.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилаётгани ўз самарасини бермоқда. 2016 йилда мамлакатимизда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 9,6 фоиз ортиб, 16,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани, жумладан, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсиб, 3,7

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ.

миллиард доллардан ортгани бунга яққол мисолдир.¹²

Таъкидлаш керакки, хорижий давлатлар, шунингдек, дунёга машҳур компаниялар ҳамда халқаро молия институтларининг молиявий кўмагида энергетика, машина-созлик, металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат, нефть-кимё, қурилиш материаллари каби саноатимизнинг етакчи соҳаларида кўплаб ана шундай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биргина 2016 йилда умумий қиймати 5,2 миллиард долларга тенг бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ишлари якунлангани сўзимиз тасдиғидир. Уларнинг аксарияти аҳоли зич ҳудудларда рўёбга чиқарилди.

Кейинги йилларда янги соҳалар ўзлаштирилиши, йирик ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилиши, қисқача айтганда, иқтисодиётимизнинг инвестициявий жозибаторлиги ортишида эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамият касб этапти. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ислохотларни сифат жиҳатидан чуқурлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унга кўра, барпо этилаётган янги эркин иқтисодий зоналар олдига ҳудудлар ишлаб чиқариш ҳамда ресурс -салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб қилиш, йирик саноат корхоналари бунёд этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, пировардида аҳоли даромадларини ошириш каби улкан вазифалар қўйилди. Бу эса бошланган 2017 йилда юртимизга хорижлик ишбилармонлар томонидан киритилажак сармоялар миқдори янада ортишига мустақкам замин яратгани шубҳасиз.

¹² <http://xs.uz /indx.php /homepage /iqtisodiyot /item/9434-tara-iqtisodiyotning-yetakchi-kuch>

Мамлакатни модернизациялаш шароитида республикамиз минтақаларига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалани кутилаётган инвесторлар учун муайян минтақанинг инвестицион жозибаторлигини ошириш орқали ҳал қилиш мумкин. Маълумки, инвестициялашнинг объекти бўлиб алоҳида лойиҳа, бирор бир корхона, тармоқ шаҳар, минтақа ёки мамлакат белгиланиши мумкин.

Инвестицион фаолият мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишларида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицион салоҳиятнинг даражаси ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ

Хорижий инвестицияларнинг минтақавий таркибида Қорақалпоғистон Республикаси улушининг кескин ўсиб кетиши 2011-2015 йилларда Сурғил кони ба Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича кейинги юқори улушга эга вилоятлар Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳисобланади. 2005-2014 йилларда хорижий инвестициялар таркибида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг улуши мос равишда 4,1%дан 23,6%га ва 7,9%дан 12,4%га қадар ўсди. Ушбу вилоятларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар улуши юқорилиги нефтгаз тармоғида амалга оширилаётган 250 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга Муборак газни қайта ишлаш заводини қуриш, — Шўртаннефтгаз корхонасида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватига эга пропан-бутан аралашмасини ўрнатиш, геология қидирув ишларини олиб бориш каби йирик лойиҳалар билан боғлиқдир. Жумладан, 2004-2011 йилларда Бухоро вилоятида Қандим гуруҳи газ конларини ўзлаштириш лойиҳаларига 1 млрд. долларга яқин маблағ сарфланди. Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаларида нефть ва газ

қазиб чиқариш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун 2007-2011 йилларда 435 млн. доллар инвестиция йўналтирилди. Биргина 2013 йилда ушбу лойиҳаларга сарфланган инвестициялар миқдори 657 млн. долларни ташкил этди. Умуман лойиҳани биринчи босқичида 3,3 млрд. Доллар инвестиция, жумладан 2,7 млрд. Доллар ускуна, қурилиш ва ўзшалтириш учун маблағ ажратилади.¹³

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлаб берувчи юқори технологик тармоқларни яратишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор тармоқ сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 2017 йилда 199 та инвестиция лойиҳаси доирасида 4,505 миллиард доллар ҳажмидаги хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилмоқда.² Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қарори билан тасдиқланган жорий йил инвестиция дастурига кўра, чет эл кредитлари ҳисобига ҳукумат кафолати билан 79 лойиҳа бўйича 1,854 миллиард доллар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эвазига 120 лойиҳа асосида 2,65 миллиард доллар ўзлаштирилади.³

Хорижий инвестицияларнинг энг катта қисми (37 лойиҳа бўйича 2,47 миллиард доллар) ёқилғи-энергетика тармоғига тўғри келади. Улардан чет эл компаниялари тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига нефть-газ соҳасига 20 лойиҳа доирасида 1,97 миллиард доллар киритилади.⁴

¹³ Вахабов А.В. "Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни оптималлаштиришда хорижий инвестицияларнинг" мақола. Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш муаммолари номли амалий конференция. 2016й 27 апрел.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 йилги Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида» 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697-сонли қарори

³ Ўша ерда

⁴ Ўша ерда

Жумладан, Россиянинг «Лукойл» компанияси 2017 йилда умумий қиймати 8 миллиард доллардан ошиқ бўлган икки келишув бўйича 1,217 миллиард доллар инвестиция қилади. Gazprom International шўъба тизими бўлган Gas Project Development Central Asia Устюрт минтақаси ва Сурхондарё вилоятида 1,3 миллиард долларлик икки лойиҳани амалга оширади. Энергетика тармоғида хорижий кредитлар ҳисобига 17 лойиҳа асосида 506,7 миллион доллар ўзлаштирилади. Mitsubishi Corporation ва Mitsubishi Hitachi Power Systems (Япония) Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида қуввати 900 мегаватт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши ва Навоий ИЭС учун 450 мегаваттли буғ-газ қурилмаси ўрнатишга киришади. Хитойнинг Zhuhai Singyes Green Building Technology компанияси Самарқанд вилоятида қуёш электр станцияси қурилишини бошлади.⁵⁴

Маълумот учун, 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистонга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга кўпайди ва 3, 7 миллиард доллардан ошди.⁶⁵

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибди-ки, бу авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг тасдиғидир. Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.⁷

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотларнинг устувор

⁵⁴ <https://www.gazeta.uz/ru> "Ўзбекистонда 2017 йили 4, 5 млрд доллар ҳажмидаги хорижий инвестициялар жалб этилади" мақола/2017/03/01

⁶⁵ <https://daryo.uz/> "2016 йилда иқтисодиётга 16,6 млрд доллар инвестиция йўналтирилди" мақола /2017/01/15

⁷ Хакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти (Дарслик). – Т.: ТДИУ, 2006 – 255 б.

1-жадвал. Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари¹

	2012	2013	2014	2015	2015 й. 2012й. га нис.%
ЯИМ	97929	120862	145846	171369	175,0
Қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати	17284	21061	25363	28544	165,1
Қишлоқ хўжалигининг улуши	17,6	17,7	17,4	16,7	94,9
Асосий капиталга киритилган инвест	22797	28695	35233	41671	182,8
Шундан қишлоқ хўжалигига	1088	1334	1444,5	1375,4	126,4
Қишлоқ хўжалиги улуши	4,8	4,6	4,1	3,3	68,8
Иқтисодиётда банд бўлганлар сони, минг киши	12224	12523	12818	13058	106,8
Шундан қишлоқ хўжалигида	3254,2	3392,3	3524,9	3604,5	110,8
Қишлоқ хўжалиги улуши	26,6	27,1	27,5	27,6	103,8

йўналишларидан бири миллий иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва рақобатбардошлигини ўстиришга қаратилган. Мамлакат ҳукумати томонидан иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш асосида ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги ҳиссасини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартириш вазифаси қўйилмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш учун унинг ўртача йиллик ўсиш суръатларини 4,8 фоиз даражасида сақлаб туришнинг зарурлиги, юқори қўшимча қийматга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар ошириш вазифаси белгиланган²⁸. (2-жадвал)

¹ Эгамбердиев Ф.Т. "Минтақалар тармоқ таркиби ва уни такомиллаштириш йўллари" мақола. "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақавий агросаноат мажмуаларини ривожлантириш йўллари" номли илмий-амалий конференция. 2017/04/19

²⁸ Вахабов А.В. "Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни оптималлаштиришда хорижий инвестицияларнинг" мақола. Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш муаммолари номли амалий конференция. 2016й 27 апрел.

Ушбу стратегик вазифаларни ҳал этишда миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар миқёси, унинг тармоқ, минтақа, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиби муҳим аҳамият касб этади

– мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицияларни кўп меҳнат талаб қилинадиган тармоқлар ва соҳаларга, хусусан қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё саноати, электроника соҳасига йўналтириш устувор вазифалардан биридир;

– республикамиз ҳудудларига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда маҳаллий хокимият органлари минтақаларнинг узоқ муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалиётга тадбиқ этишлари зарур;

– республикамизга жалб қилинаётган инвестицияларни йўналтиришда иқтисодиётнинг микро ва макро даражасида мутаносиб ва мувозанатли ривожланишига асос бўладиган шарт-шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир;

– ривожланиш даражаси паст, дотацияда бўлган ҳудудларга, ижтимоий, экологик ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни давлат томонидан моли-

2-жадвал. Миллий иқтисодиёт таркибининг ўзгариш прогнозлари, фоиз ҳисобида¹

	2015	2030
Ялпи ички маҳсулот	100	2 баробар
Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	33,5	40,0
Қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	16,6	8-10
Ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажми	2 баробар қисқартириш	

явий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш лозим;

- ривожланган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича инвестицияларни кўпроқ иқтисодиётнинг реал секторига, яъни ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай амалиёт мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади, янги иш ўринларини яратиш, ялпи ички маҳсулотни барқарор суръатларда ўстиришнинг моддий асосини шакллантиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодий мутаносибликни таъминлаш ва хорижий инвестицияларни янада фаол жалб қилиш учун эса қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш даркор:

- мамлакатимизда давлат томонидан инвестицияларни бошқариш жараёнлари ва бунда давлат институтлари сифатини ошириш;

- хорижий инвестиция фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база ва қонунчиликни такомиллаштириш;

- ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жараёнларини барча ҳудудларда тезлаштириш ва кенгайтириш;

- иқтисодиётда мавжуд ишчи кучи ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва уларнинг сифатини ошириш;

- банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва молия бозорини ривожлантириш орқали капитал айланиши тезлашувини таъминлаш;

- мамлакатда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантириш;

- Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий, сиёсий, экологик ва ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқларни ривожлантириш йўлларини аниқлаш орқали узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Уларни шакллантиришда ички ва хорижий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини стратегик аҳамиятига қараб йиғиш, таҳлил қилиш ва танлаб олиш лозим.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвесторлари иштирокини кенгайтирмай туриб иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши иқтисодий имкониятларнинг кенгайтишини жадаллаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва захираларни ишга солиш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш орқали бақарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизмат қилади.

¹ Ўша манба.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 24.12.1998 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 30.04.1998 й.
3. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январ
4. <http://xs.uz /indx.php /homepage /iqtisodiyot / intem/9434-tara iqtisodiyotning yetakchi kuchi>
5. Вахабов А.В. “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни оптималлаштиришда хорижий инвестицияларнинг” мақола. Иқтисодий барқарорликка эришишда модернизациялаш ва иқтисодий мутаносибликларни таъминлаш муаммолари номли амалий конференция. 2016й 27 апрел.
6. <https://www.gazeta.uz/ru> “Ўзбекистонда 2017 йили 4, 5 млрд доллар ҳажмидаги хорижий инвестициялар жалб этилади” мақола/2017/03/01
7. <https://daryo.uz/> “2016 йилда иқтисодиётга 16,6 млрд доллар инвестиция йўналтирилди” мақола /2017/01/15
8. Хакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти (Дарслик). – Т.: ТДИУ, 2006 – 255 б.